# Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Республикаси социал таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Ҳулкар ФАЙЗУЛЛАЕВА жавоб беради:

???

*Мен 6 фарзанднинг онасиман. Колхозда яшайман. Меҳнат стажим йўқ, лекин 3-гуруҳ ногирониман. Менга ҳам нафақа тайинланадими, унинг миқдори қанча бўлади?*

**А. ҚУРБОНОВА,**
**Андижон шаҳри.**

Меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга ижтимоий нафақа тайинланиши мумкин, жумладан, 3-гуруҳ ногиронига бу нафақа ҳозирги вақтда 600 сўм миқдорда тайинланади.

Вояга етмаган болаларингизга ойлик ҳамда кийим-бош учун мақсадли нафақа пуллари тўланиши мумкин. Агар болаларнинг отаси ишласа, нафақа иш жойидан тўланади. Ота-она ишламаса, нафақалар ижтимоий таъминот бўлими орқали тайинланади. Нафақанинг миқдори боланинг ёшига қараб аниқланади.

???

*Жамоа хўжалиги аъзоларига кексалик нафақаси қайси тартибда тайинланади?*

**Т. НОРМУРОДОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони.**

Жамоа аъзоларига кексалик нафақаси эркакларга 60 ёшдан, 25 йиллик иш стажи билан, аёлларга эса 55 ёшдан 20 йиллик иш стажи билан тайинланади. Нафақанинг асосий миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан 55 фоиз қилиб тайинланади.

Агар меҳнат стажи Қонун бўйича талаб қилингандан ортиқроқ бўлса, ҳар бир ортиқча ишланган йил учун ўртача ойлик иш ҳақидан яна 1 фоиздан қўшимча берилади. Масалан: М. Мансуровнинг умумий иш стажи 39 йил, ўртача ойлик иш ҳақи эса 4370 сўм. Нафақанинг асосий миқдори 2404 сўм бўлиб, унга яна ортиқча ишлаган 14 йил учун 336 сўм қўшиб берилади.

???

*Кимлар ёлғиз қария ҳисобланади? Уларга кимлар хизмат кўрсатади? Ёлғиз қарияларга қандай имтиёзлар берилади?*

**Р. ФАЙЗИЕВ,**
*Тошкент вилояти, Келес шаҳри.*

Фарзандлари ёки моддий ва маънавий ёрдам берадиган қариндошлари бўлмаган, ўзгалар ёрдамига муҳтож шахслар ёлғиз қария ҳисобланади.

Уларга ижтимоий хизмат бўлими ходимлари хизмат кўрсатишади. Бундай бўлимлар ҳар бир район ижтимоий таъминот бўлимлари қошида ташкил топган. Бозор ва дўконлардан озиқ-овқат ва бошқа керакли молларни харид қилиб келтириш, зарур бўлганда дорихонадан дори-дармонлар харид қилиш, тиббий ходимни таклиф қилиш, кир ювиш, овқат тайёрлаш, зарурият туғилганда қария номидан маъмурий ташкилотларга мурожаат қилиш каби хизматлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 27 майдаги Фармонига мувофиқ ёлғиз қарияларга қуйидаги имтиёзлар берилади:

1. Белгиланган миқдордаги озиқ-овқатлар билан бепул таъминлаш;

Бу туркумига гўшт, ёғ, чой, тухум ва шакар киради. Жами 249 сўмлик маҳсулот бўлиб, давлат ҳисобидан қопланиб борилади;

2. Уй-жой ва коммунал хизматлардан бепул фойдаланиш;

3. Врач рецепти бўйича бепул дорилар олиш;

4. Таксидан ташқари барча шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш каби имтиёзлар бор.

???

*Собиқ Иттифоқ Кенгаши томонидан қабул қилинган нафақа Қонуни ҳозир ҳам амалдами? Амалда бўлса, бу нафақа Қонуни бўйича кимларга нафақа тайинланади?*

**Ш. ЭРГАШЕВА,**
**Наманган шаҳри.**

Республикамиз ижтимоий таъминот органлари 1990 йил 28 апрелда ва 1990 йил 15 майда қабул қилинган «Ҳарбий хизматчиларнинг нафақа таъминоти ҳақида»ги ва «СССРда фуқароларнинг нафақа таъминоти ҳақидаги» Қонунларга асосан ишламоқдалар.

Ушбу Қонунларга мувофиқ кексалик, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик, муайян муддат хизмати учун ва ижтимоий нафақалар тўланади.

???

*Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 25 августдаги ва 8 октябрдаги Фармонлари бўйича нафақаларнинг энг кам миқдорлари барча гуруҳдаги ногиронлар учун ҳам бир хилда тайинланадими?*

**Б. ОДИЛОВ,**
*Самарқанд вилояти.*

Йўқ, ҳамма ногиронларга ҳам нафақа бир миқдорда тайинланмайди. Чунки ҳар бир тоифага Қонун бўйича белгиланган миқдорлар бор.

Масалан: 1992 йил 1 сентябрдан 1-гуруҳ ногиронининг нафақаси 1875 сўмни ташкил қилган бўлса, кўзи ожиз 1-гуруҳ ногирони учун 2500 сўмни ташкил қилган.

2-гуруҳ ногиронининг нафақаси 1250 сўм бўлган бўлса, меҳнат стажига эга бўлмасдан ижтимоий нафақа олаётган нафақа олувчиларники 625 сўмни ташкил қилган. 1992 йил 1 октябрдан эса бу нафақалар 1,6 бараварга оширилди. Демак, асос қилиб Президент Фармонида кўрсатилган миқдор олинган.

???

*Келиним олий ўқув юртида ўқийди. Яқинда фарзандли бўлди. Нафақа олиш учун қаерга мурожаат қилиши керак?*

**С. НАСИМОВА,**
*Тошкент шаҳри.*

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган аёлларга нафақа олий ўқув юртида тўланади. Бунинг учун қуйидаги ҳужжатлар — ариза, боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма, яшаш жойидан маълумотнома талаб қилинади. Бола 6 ёшга тўлгунча тўланадиган ойлик нафақа миқдори 165 сўмни ташкил этади.

???

*Бола туғилиши муносабати билан тўланадиган нафақа миқдори қанча?*

**О. МАҲМУДОВА,**
*Фарғона вилояти.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 октябрдаги Фармонига асосан бола туғилиши муносабати билан бир йўла тўланадиган нафақанинг миқдори 1992 йил 1 октябрдан 4000 сўмни ташкил қилади.

Агар эгизаклар туғилса, ҳар бир бола учун 4000 сўмдан тўланади.

???

*Боқувчисини йўқотган оилаларга қандай нафақа тайинлади?*

**Б. ҚОДИРОВА,**
*Жиззах вилояти.*

Боқувчиси йўқ оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоси учун боқувчининг иш ҳақидан 30 фоиз миқдорда нафақа тайинланади. Лекин у ижтимоий нафақанинг миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Масалан: Отасининг вафотидан кейин оилада битта бола қолган. Боқувчининг ўртача иш ҳақи 1890 сўм бўлган. Иш ҳақининг 30 фоизи 567 сўмни ташкил қилади. Айтиб ўтганимиздек, нафақанинг миқдори ижтимоий нафақадан кам бўлмаслиги керак, ҳозирги вақтда у Президент Фармонига асосан 1000 сўмни ташкил қилади. Демак, бу оиладаги болага тайинланган нафақа ҳам 1000 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

???

*Уй-жойларни хусусийлаштиришда қайси нафақа олувчиларга имтиёзлар берилган?*

**Г. ЗИЯЕВА,**
*Сирдарё вилояти.*

Уй-жойларни бепул хусусийлаштиришда Улуғ Ватан уруши ногирони ва қатнашчиларга, вафот қилган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, байналамилал жангчиларга ва 1,2 тоифа ногиронларга имтиёзлар берилган.

???

*Қандай нафақа олувчиларга имтиёзли равишда бензин берилади?*

**К. СОБИТОВ,**
*Наманган вилояти.*

Уруш ногиронлари ва қатнашчилари, касб касаллиги ёки хизмат маҳали майибланиш туфайли ногирон бўлганларга, транспорт воситасини ижтимоий таъминот органлари орқали олган бўлсалар, имтиёзли равишда бензин талонлари берилади.

**● Саҳифани Ижтимоий, иқтисодий ва социал масалалар бўлими тайёрлади.**

Жамғарма банки

# АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

*1991 йилда енгил автомобиллар сотиб олиш учун «БАМ»нинг мақсадли ҳисоб чекига эга бўлган кишилар ўз чекларини чек олинган жамғарма банкига ёки Москва шаҳридаги жамғарма банки муассасаларига 1992 йил 31 декабргача топширишлари керак.*

*Кўрсатилган чекларни сотиб олиш муддати Россия молия вазирлиги томонидан 1992 йил 31 декабргача (шу кун ҳам киради) қилиб белгиланган!*

Жамғарма банки Республика бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат Филармонияси

Халқлар Дўстлиги саройида

25 декабрь соат 18.00 да

Бобур видеофильми қўшиқларининг ижрочиси Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофотининг совриндори лирик хонанда

**Маъмуржон ТЎХТАСИНОВ**

куйлайди.

«Қизиқчи — 91» кўригининг совриндори

**Абдулла АКБАРОВ**

«ШОДЛИК» ашула ва рақс ансамблининг рақкосалари иштирок этадилар

Концерт дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради

**Чипталар Халқлар Дўстлиги саройида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат Филармонияси

Халқлар Дўстлиги саройида

27 декабрь соат 16.00 да

**ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ**

Тожикистон халқ артисти

**Жўрабек НАБИЕВ**

КОНЦЕРТИ

«Шодлик» Давлат ашула ва рақс ансамблининг рақкослари

«Қизиқчи — 91» кўригининг ғолиби

**Ҳамиджон АЗИМОВ**

иштирок этадилар

Концерт дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

**Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан сотилмоқда.**

# ДИҚҚАТ

Яккасарой район улгуржи чакана савдо комбинати — республикамизнинг барча вилоятларидаги аҳоли ҳамда давлат, жамоа хўжаликларидан асал, ёнғоқ ва бошқа сабзавот меваларини чекланмаган миқдорда қабул қилади. Маҳсулотлар келтирилган заҳоти нақд пул бериб сотиб олинади. Йўл ҳақининг 50 фоизи комбинат ҳисобидан тўланади.

Комбинат ихтиёридаги 10 та савдо шахобчаси «Аския» бозори, Шота Руставели кўчаси каби шаҳарнинг энг гавжум ва савдо учун қулай манзилларига жойлашган. Мурожаат учун телефон:

53-31-25

**Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Осипенко кўчаси, 1-а (Тўқимачилик комбинати, Яккасарой райони савдо маркази, Муқимий кўчаси бўйлаб Тоҳир-Зуҳра дўконининг рўпарасидан Осипенко кўчасига кирилади.)**

**Яккасарой район улгуржи чакана савдо комбинати.**

# БУЮРСАНГИЗ БАС

«Ишонч» газетаси таҳририяти қисқа муддатда таклифномалару ташрифномалар (визиткалар)ни, фирма бланкалари-ю этикеткаларни, ёрлиқлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Бизга буюрсангиз бўлгани

**МАНЗИЛИМИЗ:**

700165, Тошкент шаҳар,

Правда Востока кўчаси, 24 уй.

Маълумот учун телефон: 56-87-59.

